

Тошкент шаҳридаги Ёджу техника институти  
ректорининг 1 июль 2022 йилдаги 71-Ф-сонли  
буйруғи билан тасдиқланган

**Тошкент шаҳридаги Ёджу техника институтига талабалар ўқишини  
қайта тиклаш ва институтда ўқишини ички ҳамда ўқишини институтга  
ташқи кўчириш түғрисидаги**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Тошкент шаҳридаги Ёджу техника институти (кейинги ўринларда – Институт)га талабаларнинг ўқишини қайта тиклаш ва ўқишини ички ҳамда ташқи кўчириш тартибини белгилаб беради ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва олий таълим соҳасидаги бошқа қонунчилигига мувофиқ олий таълим муассасалари талабалари институтга қайта тиклаш ва ўқишини кўчириш тартибини белгилайди.

2. Хорижий фуқароларнинг ўқишини хорижий олий таълим муассасаларидан Институтга ўқишини кўчириш Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўчириш (тиклаш) умумий тартибтаомилларига асосланган ҳолда Институт ректори буйруғи билан белгиланган тартибда сұхбат (ёки таълим йўналишларининг (мутахассислик) хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда бошқа тартиби мавжуд бўлмаса) асосида амалга оширилади. Уларнинг тўлов-контракт маблағлари миқдори Институт Таъсисчиларининг қарорига мувофиқ белгиланади.

3. Талабалар ўқишини ички ва ташқи кўчириш ҳамда қайта тиклаш тартиби ҳамда бу борадаги қабул Комиссияси ва унинг иш фаолияти тартиби шаффофлигини таъминлаш мақсадида Институтда алоҳида маълумотлар базаси ташкил этилиши мумкин.

**2-боб. Институтда талабалар ўқишини қайта тиклаш, ички ва ташқи  
кўчиришнинг умумий қоидалари**

4. Институтда талабалар ўқишини қайта тиклаш, ички ва ташқи кўчиришда (кейинги ўринларда талабалар ўқишини кўчириш (ички ва ташқи) ва қайта тиклаш деб аталади) таълим йўналишларининг (мутахассисликларининг) номланиши бир хил бўлганда бундай таълим йўналишлари (мутахассисликлари) мос деб ҳисобланади.

5. Талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш институт ректори буйруғига асосан амалга оширилади.

6. Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

хорижий давлатларнинг аккредитацияга эга бўлган ёки нуфузли олий таълим муассасаларидан;

олий таълимнинг турдош бўлмаган таълим йўналишлари ва истисно тариқасида мос бўлмаган мутахассисликлари;

ўзаро ёки давлат қонунчилигига кўра академик мобиллик бўйича (бунда, академик мобиллик бўйича давлат қонунчилиги, кўшма қарор, ўзаро алмашинув меморандуми ёки вазирлик (идоралар)нинг хатлари бўлиши зарур).

7. Қўйидаги ҳолатлар талабанинг ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш ҳақидаги, шунингдек, академик мобиллик бўйича тақдим этилган аризасига **рад жавоби берилишига асос бўлади**:

хорижий давлатларнинг аккредитацияга эга бўлмаган олий таълим муассасаларида ёки уларнинг филиалларида ўқиганларга;

республика олий таълим муассасаларидаги мавжуд таълим шаклидан ўзга (бошқа) таълим шаклида ўқиганларга;

олий таълим муассасаларининг турли марказлари, бўлимлари, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқаларда ўқиганларга;

биринчи курснинг биринчи семестрига биринчи семестр тугалланмаган ҳолатда ўқишини кўчиришга (талабага касаллик туфайли академик таътил берилган ҳолатлар, ўқиган таълим йўналиши мавжуд бўлмаганда кўчириб тиклаш ҳолатлари бундан мустасно);

институтда мос (турдош) таълим йўналиши (мутахассислиги) ёки таълим шакли мавжуд бўлмаса;

ўқув режаларидаги умумкасбий ва ихтисослик (мутахассислик) фанлари бўйича фарқлар 4 та (ўқишини ички кўчириш 3 та)дан ошганда;

тўлов-контракт асосида ўқишига тавсия этилганлар тўловни белгиланган муддатда амалга оширганда (бунда институт биринчи курс биринчи семестри учун тўловни тўлиқ ва ўз вақтида тўламаган талабалар ўқиши қайта тикланмайди);

таълим йўналиши (мутахассислиги)нинг мос ва турдош бўлишидан қатъий назар институтнинг тиббиёт мактабига талабалар ўқишини ички (ҳатто, тиббиёт мактаби ичди ҳам) ва ташқи кўчиришга рухсат этилмайди;

талабанинг шахсий йиғма жилди (академик маълумотнома ва бошқа муҳим ҳужжатлар) белгиланган муддатларда тақдим этилмаганда ёки қонунчиликка ҳилоф ҳолатларда бўлса;

институтнинг моддий-техника базасининг имконияти чекланганда (ихтисослик ва мутахассисликлар кесимида);

талаба Ўзбекистон ва хорижий олий таълим муассасаларининг ўзаро келишуви асосида қабул қилинган кўшма таълим дастурлари

(академик мобиллик) асосида таҳсил олган ёки таҳсил олаётган бўлса (мазкур қўшма дастурнинг ўзи бундан мустасно);

институт филиаллариаро ўқишини кўчириш мақсадида ариза берган талабаларининг академик қарздорлиги мавжуд бўлса;

қонунчилиқда белгиланган бошқа ҳолатларда.

Фуқаро (талаба)нинг ўқишини кўчириш (қайта тиклаш) бўйича аризасига рад жавоби берилган тақдирда, аризани кўриб чиқиш учун белгиланган муддатда, аризада кўрсатилган манзилга, аризани кўриб чиқкан Қабул комиссияси қарори билан институт ваколат берган шахс томонидан жавоб хати йўлланади ёки шахсан маълумот берилади.

8. Талабаларнинг ўқишини кўчириш ва қайта тиклашни расмийлаштиришда институт ректори (филиал директори) белгиланган тартибда ўқув режалари ва дастурлардаги мавжуд академик қарзларни ёки фарқларни (ўқув режаларидағи умумкасбий ва ихтисослик (мутахассислик) фанлари бўйича фарқлар 4 та (ўқишини ички кўчириш З та)дан ошмаслиги лозим) топшириш тартиби ва муддатларини (жорий семестр давомида), ўқитиш курси (семестри) ҳамда ўқишига қабул қилишнинг қонунчилиқда белгиланган бошқа шартларини белгилайди.

9. Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклашда тўлов-контрактни тузиш тартиби ва шартлари, жумладан, тўлов маблағлари ва муддатлари белгиланган умумий тартибда амалга оширилади.

10. Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича ариза ва реестр Низомга 1-иловага мувофиқ ҳамда ташқи ўқишини кўчириш бўйича ариза 2-илова ҳамда зарурӣ ҳужжатлар 2а-илова бўйича амалга оширилади.

### **3-боб. Талабалар ўқишини кўчириш тартиби**

11. Талабалар ўқишини кўчириш бўйича аризаларни топшириш ва кўриб чиқиш қуидагича амалга оширилади:

ўқишини кўчириш бўйича аризаларни тақдим этиш — ҳар йили 10 июлдан 10 августга қадар амалга оширилади;

аризаларни кўриб чиқиб ва қарор қабул қилиш — ҳар йили 10 августдан 20 августга қадар амалга оширилади.

Талабалар ўқишини кўчириш узрли сабабларга кўра (республиканинг бир ҳудудидан иккинчи ҳудудига доимий яшаш учун ёки турмушга чиқиш муносабати билан турмуш ўртоғи доимий яшайдиган (паспорт бўйича доимий рўйхатдан ўтган) ҳудудга кўчиб ўтганда, турмуш ўртоғи ёки ота-онаси ҳарбий хизмат ўташ жойини ўзгартирганда, ёхуд ота-онаси (турмуш ўртоғи) хориждаги давлат хизматидан қайтганда) баҳорги семестрда ўқув машғулотлари бошланишидан олдин ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда:

ўқишини кўчириш бўйича ариза топшириш — ҳар йили 20 декабрдан кейинги йилнинг 20 январига қадар;

ўқишини кўчириш бўйича аризани кўриб чиқиб, қарор қабул қилиш — ҳар йили 25 январдан 15 февралга қадар амалга оширилади.

12. Талабаларнинг ўқишини кўчириш ҳақидаги аризалари мос равища институт Қабул комиссияси (ёки ваколатга эга шахс)га топширилади.

13. Институт ўқишни кўчириш жараёнида, жумладан хориждан ўқишини кўчиришда ҳужжатларни сифатли ва ўз вақтида расмийлаштириш мақсадида ўзаро келишув (шартнома)га асосан консалтинг ташкилоти хизматидан фойдаланиши мумкин.

14. Ўқишини кўчириш истагини билдирган талаба ички кўчириш (қайта тиклаш)ни истаган таълим йўналиши (мутахассислиги), ўқув тили ва шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза (аризада ўқиган таълим йўналиши (мутахассислиги), таълим шакли, кўчириш (қайта тиклаш) сабаблари, кўчириш (қайта тиклаш) қоидалари билан танишганлиги кўрсатилади) тақдим этади (мазкур Низомнинг 1- ва 2-иловаларига кўра).

15. Талабалар ўқишини кўчириш ҳақидаги аризани кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиши тегишли ҳолатлар бўйича ариза кўриб чиқилади (мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлмаса) ҳамда Қабул комиссиянинг тегишли қарори қабул қилинади ва бу ҳақда ариза берган талабага шахсан маълум қилинади.

16. Қабул комиссиясининг ижобий қароридан сўнг талаба илгари таълим олган олий таълим муассасаси ректорининг талабалар сафидан четлаштириш ҳақида буйруғи асосида 10 иш кунлик муддатда талабанинг шахсий йиғма жилди (рўйхати билан) уни ўқишга қабул қилган олий таълим муассасасига жўнатилади ёки ариза билан ўқиши кўчирилган талабага берилади.

17. Хорижий олий таълим муассасаларидан Институтга ўқишни кўчириш ва кўчириб қайта тиклаш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролар дастлаб Қабул комиссияси ёки ваколатли шахс томонидан қисқа сұхбат (интервью)дан ўтказилади ҳамда тегишли таълим йўналишидаги ўқишга кириш фанлари бўйича ўқийдиган тилида маҳсус синов (комиссия томонидан белгиланган тест ёки ёзма иш ёки касбий (ижодий) имтиҳон шаклида) топшириш тартиби белгиланиши мумкин.

18. Турмуш ўртоғи ёки ота-онаси хорижий давлатдаги давлат хизматини ўташ жойи Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ўтказилган, Ҳукумат қарорлари ва топшириклари ҳамда олий таълим муассасаларига эга вазирлик ва идоралар томонидан давлат буюртмаси билан хорижга ўқишга юборилганларнинг ўқишини Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўчириш маҳсус синовларсиз Давлат комиссияси қарори ёки хатига асосан амалга оширилади.

19. Ариза берувчи (талабгор)нинг махсус синов (комиссия томонидан белгиланган тест ёки ёзма иш ёки касбий (ижодий) имтиҳон шаклида) натижаси Қабул комиссиясига тақдим этилади. Махсус синов (комиссия томонидан белгиланган тест ёки ёзма иш шаклида) натижасидан келиб чиқиб, Қабул комиссияси қарори билан кўрсатилган ўқув шаклидаги гурухларга тўлов-контракт асосида кўчирилади.

Ўқиши кўчирилаётганда тегишли ўқитиш тили мавжуд бўлмаса, ўқитиш тилини танлаш талабгорнинг аризасига мувофиқ институтда мавжуд таълим тилларидан бирини танлаш орқали амалга оширилади.

20. Хорижий олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида таҳсил олаётган талабалар ўқиши Институтга кўчирилишига рухсат этилмайди.

21. Институт ректори (филиал директори)нинг талабани белгиланган тартиб ва муддатда дарсларга қатнашишига рухсат этиш тўғрисидаги буйруғи талаба илгари таълим олган олий таълим муассасасидан унинг шахсий йиғма жилди (шахсий йиғма жилд жўнатилиши мумкин бўлмаган ҳолларда — академик маълумотномаси) олингандан кейин расмийлаштирилади.

22. Талабалар сафига ўқишига қабул қилиш тўғрисидаги институт ректори (филиал директори)нинг буйруғи улар томонидан белгиланган муддатда шартнома тўловлари бажарилгандан сўнг 10 кун муддат ичida қабул қилинади.

23. Ўқув режалардаги фанлари бўйича фарқлар аниқланганда талаба академик қарздор сифатида ўқишига қабул қилинади ҳамда қабул қилинган ўқув йилидаги ўқув курси (семестри) давомида фанлар фарқини топшириш керак бўлади.

24. Институтда юридик шахс билан тузилган тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш ушбу юридик шахснинг розилиги билан амалга оширилади.

#### **4-боб. Талабалар ўқишини қайта тиклаш**

25. Институтда талабаларнинг ўқишини қайта тиклаш бўйича аризаларни топшириш ва кўриб чиқиш бир йилда икки марта амалга оширилади:

кузги семестр учун ўқишини қайта тиклаш бўйича ариза топшириш — ҳар йили 10 июлдан 10 августга қадар;

баҳорги семестр учун ўқишини қайта тиклаш бўйича ариза топшириш — ҳар йили 20 декабрдан 20 январга қадар;

Қайта тиклаш бўйича аризаларни кўриб чиқиб қарор қабул қилиш:

кузги семестрга қайта тиклаш учун — ҳар йили 10 августдан 20 августга қадар амалга оширилади.

баҳорги семестрга қайта тиклаш учун — ҳар йили 20 ярвардан 30 январга қадар амалга оширилади.

26. Талабалар ўқишини қайта тиклаш ҳақидаги аризани қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш Қабул комиссия (ёки ваколатли шахс)нинг тегишли қарори қабул қилинади ва бу ҳақда ариза берган шахсга шахсан маълум қилинади;

27. Барча ўқув шакллари бўйича талабалар сафига қайта тиклаш тўлов-контракт асосида (таълим грантидан қатъий назар) мазкур Низом талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Таълим грантлари бўйича таълим олган етимлар, I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар, академик таътилдан белгиланган муддатда қайтган шахслар, Ҳукумат қарорлари ва топшириқлари ҳамда хорижга ўқишига юборилган ва белгиланган муддатда қайтган талабалар истисно тариқасида ўқишига (муайян курсга) таълим гранти ўринларига қайта тикланиши мумкин.

28. Хорижий олий таълим муассасасида таҳсил олган таълим йўналишига мос бўлган йўналиш бўйича, бир ёки бир неча семестр ўқиб (Институт билан келишув асосида) белгиланган муддатда қайтган талабаларнинг хорижий олий таълим муассасасида таълим олган муддатларини (семестр) инобатга олган ҳолда (муайян таълим йўналиши ва таълим шаклида, жумладан, таълим гранти асосида таҳсил олган талабалар — таълим гранти асосида) ўқишини давом эттиришига рухсат этилади.

Бунда муайян таълим йўналишлари бўйича намунавий ўқув режаларидаги умумкасбий ва ихтисослик (мутахассислик) фанлари бўйича фарқларни тегишли ўқув семестри давомида қайта ўзлаштиришга рухсат этилади.

Белгиланган муддатдан кеч қайтган ёки академик таълим олиш тартиб-таомилларини қўпол равишда бузган талабалар ўқишининг тикланиши умумий тартибда кўриб чиқилади.

29. Институт ректори (филиал директори)нинг талабани талабалар сафига қайта тиклашга, белгиланган тартиб ва муддатларда дарсларга қатнашишига рухсат этиш тўғрисидаги буйруғи (кўчириб тиклашда талаба илгари таълим олган олий таълим муассасаси ёки таълим йўналишидан унинг шахсий йиғма жилди (шахсий йиғма жилд жўнатилиши мумкин бўлмаган ҳолларда — академик маълумотномаси) олингандан кейин) расмийлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида ўқиши тикланганларни талабалар сафига ўқишига қабул қилиш тўғрисидаги институт ректори (директори)нинг

буйруғи улар томонидан белгиланған муддатда шартнома түловлари бажарылғандан сүнг 10 кун муддатда қабул қилинади.

30. Ўқув режалардаги фанлари бўйича фарқлар аниқланганда талаба академик қарздор сифатида ўқишга қабул қилинади ҳамда қабул қилингандан ўқув курси (семестри)да мазкур фанлар фарқи ва қарздорликни ўзлаштириш керак бўлади.

31. Ўқишидан четлаштирилган талаба(лар) мазкур ўқув йилининг ўзида мазкур курс (семестр)га талаба(лар)ни ўқишга қайта тиклашга (кўчириб тиклашга) йўл қўйилмайди.

32. Талабани ўқишини кўчириб қайта тиклашда унинг илгари таълим олган олий таълим муассасаси ёки таълим йўналиши розилиги олиш талаб этилмайди.

33. Ўқишидан четлатилғанлигига 5 йилдан 10 йилгача муддат (ҳарбий хизматда бўлғанлик, уч ёшгача бўлған болаларни парвариш қилиш билан боғлиқ меҳнат таътили ҳамда соғлиқни қайта тиклаш вақтлари ушбу муддатга кирмайди) бўлған ҳолларда талабалар ўқишини қайта тиклаш институт Таъсисчилари Кенгашининг қарори билан амалга оширилади.

## **5-боб. Якунловчи қоидалар**

34. Институт талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш жараёнида шахсий йиғма жилддаги ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ёки тақдим этилган ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилғанлиги ёхуд ҳужжатлар ўрнатилган тартибда тасдиқланмаганлиги аниқланган ҳолларда мазкур ҳужжатларни текшириш ва ўқишга қабул қилмаслик ҳуқуқига эга.

35. Институтга ўқишини кўчирган ёки қайта тиклаган талабаларнинг шахсий йиғма жилдига тегишли буйруқдан кўчирма, ариза ва академик маълумотнома тикилган ҳолда Ўқув-услубий бошқармага тақдим этилади.

36. Талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишидан четлаштириш тўғрисидаги тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши ва уларнинг қонунийлиги учун жавобгарлик бирламчи талабанинг, кейин эса институт ректори буйруғи асосида расмийлаштирилган ваколатли ишчи гурӯҳ ёки ваколатли консалтинг хизмати кўрсатувчига юкланди.

Зарурат бўлганда ректор ҳужжатларни юборган олий таълим муассасаларидан расмий хат билан маълумотлар тўғрилигини тасдиқлашни сўраш ваколатига эга.

37. Талабалар ўқишини кўчириш ва тиклашига асос бўлған барча ҳужжатлар ваколат доираси бўйича талаба ўқиш даврида ҳамда ўқишини битиргандан сўнг 3 йил давомида сақланиши лозим.

38. Талабалар ўқишини күчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш түрлесидаги қарорлардан норози бўлганлар белгиланган тартибда давлат ваколатли идоралар ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

39. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.